

«Болалар келажаги ошхонаси» ОК билан
Пастдаргом ТТБ ўртасида тузилган 2021
йил 22 февралдаги №7-сонли контракт
шартномага
13-ИЛОВА

**«Болалар келажаги ошхонаси» ОК БИЛАН Пастдаргом ТТБ ЎРТАСИДА
ТУЗИЛГАН 2021 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАГИ 7-СОНЛИ ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ
ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА
КЕЛИШУВ №10**

Пастдаргом тумани

«29» январь 2022 йил

Ўзининг низоми асосида иш юритувчи «Болалар келажаги ошхонаси» ОК, кейинги ўринларда «АУТСОРСЕР» деб юритилади, раҳбари **Д.М.Тошмуродов** номидан бир томондан ва ўзининг низоми асосида иш юритувчи Пастдаргом ТТБ кейинги ўринларда «БУЮРТМАЧИ» деб юритилади, **Б.М.Султонов** номидан иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур келишувни туздилар.

1. Мазкур келишувни тузишдан мақсад тарафлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиб тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2020 йил 10 январдаги 16-сонли қарорига асосан 2021 йил 22 февралда тузилган **26 880 000 (Йигирма олти миллион саккиз юз саксон минг) сўмлик 7-сонли шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритишдир.**

2. Мазкур шартноманинг 1.3.-бандида кўрсатилган хизмат кўрсатиш муддати 2022 йил 20 январдан 2022 йил 31 декабргача деб белгиланди.

3. «АУТСОРСЕР» шартноманинг 1.3.-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни буюртмачини тайёр иссиқ овқат билан Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, «БУЮРТМАЧИ» билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4. Шартноманинг қуйидаги шартлари ўзгартирилиб, 3-боб 1-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Мазкур шартноманинг сўммаси **26 880 000 (Йигирма олти миллион саккиз юз саксон минг) сўм, кўпайтирилган шартнома сўммаси 57 000 000 (Элик етти миллион) сўм** деб белгиланиб, томонлар ўртасидаги шартноманинг умумий сўммаси **12-илласида** кўрсатилган, шартноманинг сўммасидан келиб чиққан ҳолда **83880000 (Саксон уч миллион саккиз юз саксон минг) сўм, 00 тийин** деб белгиланди ва келишилади.

5. «АУТСОРСЕР» томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати шартноманинг прагноз сўммасидан кўпайиб ёки камайиб кетган ҳолларда шартноманинг прагноз сўммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади ва шартномага қўшимча келишув киритилган ҳолда ўзгартиришга келишилади.

6. Шартноманинг бошқа, мазкур келишув билан даҳл қилинмаган шартлари ўзгартирилмасдан қолади ва тарафлар улар бўйича ўз мажбуриятларини тасдиқлайдилар. Шартнома ўзгартирилганда тарафларнинг мажбуриятлари ҳам ўзгартирилган ҳолда сақланиб қолинади.

7. Мазкур келишув 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ва шартнома тегишли тартибда газначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга қиради, ҳамда 2021 йил 22 февралдаги 7-сонли шартномага илова қилиниб, унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

8. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

АУТСОРСЕР

«Болалар келажаги ошхонаси» ОК

Манзила: Самарканд вилояти Пастдаргом тумани

СТИР коди: 305630454

ИФУТ:

Х/Р: 20208000800896537001

Банк: Хамкорбанк Самарканд

МФО: 01030

Рахбар: Д.М.Тошмуродов



(имзо)

БЮРТМАЧИ

Пастдаргом ТТБ

Манзила: Пастдаргом тумани Жума шаҳри

Телефон: 4661101

СТИР коди: 200765009

ИФУТ: 91513

Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобварағи:
100022860182277073102054002

Ғазначилик бўлинмаси номи: Самарканд вилоят


Ғазначилик бошқармаси

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб китоб касса маркази

ИНН рақами: 201122919

Ягона Ғазначилик ҳисобварақлари (ЯҒҲ):
23402000300100001010

Рахбар: Б.М.Султонов



(имзо)

Бундан буён "БҮЮРТМАЧИ" деб аталувчи Пастдаргом ТТБ номидан низом асосида фаолият олиб боровчи Б.М.Султонов бир томондан ва бундан буён "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб аталувчи Болалар келажаги ошхонаси ОК номидан низом асосида фаолият олиб боровчи Д.М.Тошмуродов бошқа томондан, электрон биржа савдолари натижалари бўйича ушбу контрактни қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса қуйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Бирлик учун контракт нархи	Контрактнинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Аутсорсер хизмати(овкатланиш)	комп	1	26 880 000	26880000
	Жами				26880000

1.2. Контрактнинг умумий суммаси 26 880 000 (Йигирма олти миллион саккиз юз саксон минг сумни ташкил қилади).

Багафсил баёни

1	Аутсорсер хизмати
---	-------------------

Алоҳида шартлар

1	Аванс маблаглари етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни Буюртмачи манзилига етказиб бериши шарт
---	---

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

- 2.1. "Буюртмачи" мазкур контрактни газначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, контракт умумий суммасидан 15% микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 5 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.
- 2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблаглари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.
- 2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.
- 2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" ишғирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.
- 2.5. Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.
- 2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.
- 2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.
- 2.8. Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:
Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартларидея бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;
Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;
Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:
- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни бегараз бартараф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.
- 3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:
- мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.
- 3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- "Буюртмачидан" олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга ошириш талаб қилиш;
- Буюртмачидан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.
- 3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:
- Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш;
- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.
- 3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.
- 3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

- 4.1. Буюртмачи:
- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;
- савдолар голиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузиш ёки савдолар голиби бўлган етказиб берувчи билан контракт тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблаглари қайтариш ҳолатлари бундан мустасно);
- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.
- 4.2. Товарларни танлаб олмастик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олдиндан асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз микдорида жарима тўлайди.
Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг фаолиятларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар энгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавкулотда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади, Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутоносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. Яқунловчи қондалар

7.1. Ушбу Шартнома ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.2. Томонларнинг Ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва биркалендарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунга қадар амал қилади.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»

“Болалар келажаги ошхонаси” ОК

Самарканд вилояти Пастдарғом тумани

Чархин шаҳарчаси

«ХАМКОРБАНК» банк Самарканд

филиали ИНН 305630454

х/в 20208000800896537001

МФО 01030 ОКЭД:81100



Рахбар Д.М.Тошмурадов

«Буюртмачи»

Пастдарғом туман тиббиёт бирлашмаси

Пастдарғом тумани Жума шаҳри

Ибн Сино кўчаси 125 уй СТИР: 200765009

Шхр: 100022860182277073102054002

Пастдарғом туман газначилик булимаси

Газна х/в 23402 000 3 00100001 010

Марказий банк Тошкентшаҳар

Бош бошқармаси ХККМ

МФО 00014

ИНН 201122919



Рахбар

Б.М.Султонов